
Ўқитувчи ва мураббийлар куни Фурқат туманида кенг нишонланмоқда
1 октябр - Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрам тадбирлари Фурқат туманининг барча
гўша ва масканларида кенг нишонланиб, эътиборли ва шарафли касб эгаларига, фахрий
устозларга эҳтиром кўрсатилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири 37-мактаб жамоасининг ташаббуси билан соҳа
ходимлари ва фахрий устозлар иштирокида ташкилланди.

"Шохона" тантаналар саройида ўтказилган байрам тадбирида сўзга чиққанлар тизимнинг
барча фидойиларига ўзининг самимий тилаklarини изҳор қилди.

Таълим соҳаси ривожини, айтиш мумкин бўлган ислохотларнинг тумандаги ижросини,
эришилаётган ютуқлар қайд этилиб, барча мураббийларга илиқ қутлов ва
миннатдорликлар етказилди. Жумладан 2021 - 2022 ўқув йилида мазкур илм масканини
битирган 20 нафар ўқувчининг барчаси талабалар сафига қабул қилингани алоҳида
эътироф этилди.

Самарали фаолияти ва фидойилиги билан ёш кадрларга ибрат бўла олган ушбу мактаб
жамоаси ва бир гуруҳ соҳа фахрийлари муносиб тақдирланди. Уларга туман ҳокимлиги
ва халқ таълими бошқармасининг ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Кўтаринки руҳда ташкилланган тадбир дастурхон атрофидаги ширин суҳбат, куй-қўшиқ
ва рақслар билан янада файзли ўтди.

Туман маданият бўлимининг хушовоз санъаткорлари ва иқтидорли ёшларнинг куй-
қўшиқлари, гўзал тароналар эса рақсларга уланиб, барчага кўтаринки кайфият
бағишлади.

2022-10-03 09:22:43